

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

A.Йўлдашев	
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба.....	91
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Ф.Орипжонова	
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова	
Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева	
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи метафорикасида бадий тафаккур фалсафаси талқини.....	101
В.Аҳмедова	
Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов	
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир.....	109
Г.Муҳаммаджонова	
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117
ТИЛШУНОСЛИК	
Н.Муродова	
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов	
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов	
Антропонимлар дискурс релевант сифатида.....	130
Н.Т.Махмудова	
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати.....	133
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Р.Х.Максудов	
Эллинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев	
Асқар Қосимов шеърий маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев	
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз фразеологизмларининг семантик таҳлили.....	145
С.Усмонова	
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов	
Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари.....	152
О.Хасанова	
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова	
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160
ҚОНУН ВА ИЖРО	
А.Ўринов	
“Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163

АСҚАР ҚОСИМОВ ШЕЪРИЙ МАҲОРАТИНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

О НЕКОТОРЫХ СВОЙСТВАХ ПОЭТИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА АСКАРА КОСИМОВА

ON SOME FEATURES OF THE POETIC SKILLS OF ASQAR QOSIMOV

А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев

Аннотация

Мақолада Асқар Қосимов шеъриягининг XX аср ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Услубининг ўзига хос жиҳатлари, бадиий маҳорати тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье анализируется место и значение поэзии Асқара Қосимова в узбекской литературе XX века. В ней также исследуется своеобразие стиля и художественного мастерства поэта.

Annotation

The place and significance of the poetry of Asqar Qosimov in the Uzbek literature of the XX century has been analyzed. The specific features of the style and the artistic skills have been researched.

Таянч сўз ва иборалар: XX аср ўзбек шеърияти, бадиий маҳорат, услубий ўзига хослик, тақорлар, шеърий санъатлар, ҳаёт ҳақиқати, сюжет, манзара, ифода.

Ключевые слова и выражения: узбекская поэзия XX века, художественное мастерство, своеобразный стиль, повтор, поэтическое искусство, праेда жизни, сюжет, пейзаж, отражение.

Keywords and expressions: XX century Uzbek poetry, artistic skill, peculiar features in style repetitions, poetic art, true of life, plot, view, expression.

Чақмоқдек ёрқин ижоди, қисқа умри давомида XX аср шеъриятига ҳисса кўшган ёрқин истеъоддлардан бири Асқар Қосимовдир.

Асқар Қосимов ўтган асрнинг 70-йилларида табиий ва самимий, содда ва халқона ифодаларга бой шеърияти билан адабиётимизга кириб келди. Унинг “Фаввора” (1974), “Мовий осмон” (1977), “Замин кўрки” (1979), “Толбаргак” (1980), “Кўнглим кабутари” (1982), “Сирлар” (1985) каби шеърий тўпламлари босилиб, ўқувчилар эътиборига тушди. “Обида” (“Турди Форобий”), “Сирлар” номли драмалари эълон қилинди. У Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей”, Европиднинг “Медия”, В.Гюгонинг “Чодра”, Ш.Петефининг “Кўшиқ”, Р.Тагорнинг “Туш”, М.Лермонтовнинг “Елкан”, М.Турсунзоданинг “Бу гап тўғри”, Зилолийнинг “Жафо менга” каби трагедия ва шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Улуғ немис шоири И.В.Гёте “Санъатнинг энг олий мақсади – Инсон шакл-шамойилини имкон даражасидан ҳам кўра шу қадар ҳиссий гўзал ва олижаноб қилиб кўрсатишдир”[1,18], деб ёзган эди. Асқар Қосимов шеърларида ҳам гўзал ва олижаноб қалбнинг туйғу-кечинмалари маҳорат билан акс этганлигини кўрамиз. Ушбу шеърларнинг лирик қаҳрамони ёрига меҳри чексиз, рост сўзли ва озод фикрли, табиат ошиғи бўлган

шахс сифатида юз кўрсатади.

Мураккаб ташбеҳу ифодалардан бир қадар ҳоли бўлган “Ўтинч” шеърининг куйидаги сатрларида ошиқнинг севгилисига бўлган чексиз муҳаббати, самимий туйғулари барқ уриб турганлигини кўрамиз:

Қора зулфинг дилбарим,

Эшилибди тол-тол.

Ой юзингни бир кўрай

Гажагингни ол-ол.

Қора туним эслатди

Чакангдаги хол-хол.

Сўз ўрнида лабингдан

Томмоқдами бол-бол? [2,19]

Табиатнинг бетакор оний лаҳзалари ва кичик ҳаётий лавҳалар тасвири орқали катта гап айта олишлик шоир услубининг муҳим жиҳатлариданdir. Масалан, унинг ҳаёт ҳақиқатини ёзиш тақиқланган, сохта ғоялар талқини етакчи ўринни эгаллаган шўро даврига айнома сифатида яратилган куйидаги шеърида қарқара ҳамда сайёд образлари ўртасидаги қарама-қаршилик орқали мафкура ва ижодкор ўртасидаги курашни акс эттириш етакчилик қилганлигини кўрамиз:

Ул қанотсиз, нетонг, ерда турибди,

Кўқда эса бир қуш учиб юрибди.

Унинг номи қарқара.

Кўқдаги қуш пастан луқма излайди,

А.Сабирдинов – ФарДУ, филология фанлари доктори.
Н.Мамадалиев – ТТА Фарғона филиали ижтимоий фанлар кафедаси, фалсафа фанлари номзоди.

Пастда сайёд ов қилмоқни истайди,
Ғалати бу манзара
Самодаги тузоқ нима билмагай,
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмагай,
Бир қара-я, бир қара.
Монанди қуш шоир руҳи озоддир,
Шеърда унинг қўллагани тазоддир.
Шоир бўлдинг Асқар-а? [2,14]

Асқар Қосимовнинг “Ёр-ёр”и сюжетли шеърdir. Маълумки, “Лирикадаги сюжетда ҳам (лирикадаги фабулага хос бўлган) экспозиция, тугун, “воқеа ривожи”, кульминация ва ечим бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчаси ҳиссиёт, туйғу, кечинма, ўй ё тафаккурдаги экспозиция, тугун, кечинма ривожи, кульминация ва ечим шаклида намоён бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гоҳо сюжетнинг бошқа унсури билан бириккан ҳолда кўриниши мумкин” [3,36]. “Ёр-ёр” шеъридаги енгил вазн, ҳалқ оғзаки ижоди анъаналаридан самарали фойдалана билиш маҳорати кечинмаларнинг таъсирчан ҳаётий тасвирини юзага келтиргандир. Кўшиққа айланниб, юзлаб кўнгилларнинг қалб мулкига айланган ушбу сатрлар қатига яширган жозибанинг сири фикр ҳаётйлиги, туйғулар самимиятидир:

Бу кеч қўшни чорбоқа
Келин тушди ёр-ёр.
Иложим йўқ бормоққа
Кўникаман зор-зор [2,19]

Асқар Қосимов услуги учун хос жиҳатлардан яна бири – тақрорлар орқали фикр салмоқдорлиги, сатрлар оҳангдорлигига эришишдир. Мумтоз шеърий санъатлардан “ташобиҳул - атроф” [4,89]ни ёдга соловчи “Эҳ, йўқ экан қайғуси” шеъридаги тасвир фикримиз далилидир:

Йўлни тўсди баланд тоғлар,
Баланд тоғлар десам-да,
Ўнқир-чўнқир, сўлу соғлар
Сўлу соғлар десам-да,
Оҳу воҳлар урмади,
Шарҳи ҳолим сўрмади,
Эҳ, йўқ экан қайғуси! [2,18]

Шоир – манзара яратишнинг устаси. “Ёмғир” шеърида табиатнинг бетакрор, оний манзараси сўзлар акварелида акслантирилади:

Бугун ҳаво бошқача
Чунон оғир, зил-зил.

Эртадан то кечгача
Ер узра сув мил-мил.
Бирин-кетин томчилар
Синар гўё чил-чил...
Гоҳ сув бетин чимчилар
Гоҳ товланар хил-хил [2,21]

Асқар Қосимовнинг оддий табиат ҳодисаларидан чуқур шоирона умумлашмалар чиқара билишлик маҳоратини “Узилган чечаклар” шеърининг:

Сувдаги гулларми ёки тўп сулув,
Майлини оқимга топширган?
Чинданам дарёми, чинданам бу сув,
Бир даста чечакни шоввада шопирган?
Соҳилда бақрайиб турган эй, майсалар!
Гапиринг,

Тилингиз бор бўлса?
Чечаклар қирғоққа чиқолмай чайқалар...
Наҳот гул шунчалар хор бўлса... [2,21]
сатрларида кўрамиз. Ана шу тарзда шоир оғриқли саволлар ва эҳтиросли хитоблар орқали шеърга ҳаётий ва фалсафий мазмун сингдириб, ўз замонасига айномани ҳаяжонли ифодаларда баён этади.

Ҳалқ дардими қаламга олишлик ижодкордан, айниқса, мафкуравий тазиқлар кучайган даврда айта билишлик, улкан жасоратни талаб этади. Асқар Қосимов мафкуравий қолипларга сиғмайдиган ёниқ шеъриятни мерос қилиб қолдириди. Унинг “Нодирабегим армони” шеърининг

Бошгинамга ағнаган, катта тоғлар,
алвидо!

Мен кетармен ҳасратланиб, руҳи соғлар,
алвидо!

Бу дунёнинг шўришига навниҳоллар,
тебранинг,
Эслироқ бир боғбони йўқ, қолди боғлар,
алвидо!

Сайр вақти бош эгмангиз гўр устимда
жарроҳдек,
Юрагимни ёрган билан унда доғлар,
алвидо!

Сиз келгунча пешров қилиб икки юзлик
умрини,
Жигаримни чўқиб кетди қора зоғлар,
алвидо! [2,68]

сатрларидаги дарду нидоси гўё унинг васияти бўлиб жарангламоқда.

Адабиётлар:

- Гёте И.В. Фарбу Шарқ девони. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018.
- Қосимов А. Бир кун қайтаман. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
- Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Т.: Фан, 1992.
- Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zaraalam, 2006.